

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYI HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 22-IYUN, shanba № 76 (14567)

## Қўшма йиғилиш

**Вазирлар Маҳкамасида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июнда қабул қилинган "Жамиятнинг сийёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида илова қилинган "Маънавият соҳасида"ги дастурнинг бажарилиши атрофида муҳокама қилинди.

Дастур юзасидан 2002 йилнинг биринчи ярмида кўпдан-кўп вазифалар амалга оширилди. Жумладан, вазирликлар, концернлар, ташкилот ва муассасаларда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликларида "Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт" мавзусида доимий семинар ташкил этилди, маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий мавзуларда талай тадқиқот, илмий ҳамда илмий-оммабоп рисола, дарслик ва қўлланма, плакат чоп этилди. Фарғонада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари, Бухорода олий ўқув юртлири талабаларининг университетларида юксак савияда ўтди.

Йиғилишда "Маънавият соҳасида"ги дастур ижроси билан боғлиқ муаммолар ҳам кўриб чиқилди, уларни бартарф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Юртбошимиз ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисола мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича илмий ва илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, матбуот чиқишлари, радио эшиттиришлари ва телекўрсатувлар орасидан энг жиддий ва эътиборга сазоворларини ажратиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатланти-

риш мақсадида танлов эълон қилишга келишиб олинди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Бастакорлар ҳамда Ёзувчилар уюшмаларининг фаолияти муҳокама этилди. Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини ҳам, ижодий уюшмалар фаолиятини ҳам янги, янада юқори поғонага кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Республика оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари малякасини ошириш мақсадида "Тарғибот ва ташвиқот технологияси" мавзусида ўқишлар ташкил этиш, бу ишга мамлакатимиздаги етакчи мутахассисларни жалб қилиш яхши самаралар бериши уқтириб ўтилди.

Сирдарё вилоятида ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тизимида "Давлат тили ҳақида"ги, "Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунлар ижроси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида маърифий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Республика Атамашунослик қўмитаси фаолияти юзасидан ахборот тингланди.

Йиғилишда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган марҳум кишилар номларини абадийлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номини Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги шоир ўқиган мактабга ва у туғилиб ўсган кўчага бериш таклифлари маъқулланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

### НОДИРА ФИЛИППИНДАН ҚАЙТДИ

Избоскан туманидаги 12-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Нодира Ҳожибекова ЮНЕСКО ташаббуси билан жанубий-шарқий Осиё давлатлари мактабларининг чет тиллари ўқитувчилари учун Филиппинда ташкил этилган малака ошириш курсларида таълим олиб қайтди.

— Дарслар жуда ҳам қизиқарли ўтди, — деди Нодира Ҳожибекова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Турли мавзулардаги мунозаралар, компьютер, Интернет тармоғи, кичик телемарказдан фойдаланган ҳолда ўтказилган амалий машғулотлар, шунингдек, уларда ёшларнинг иштироки бизларни ўзига жалб қилди. Биз у ерда ҳамкасбларимизнинг ишлари билан танишдик, ўзаро тажриба алмашдик. Жаҳоннинг илғор тажрибаларини қишлоқ мактаблари ўқув жараёнида ҳаётга татбиқ этиш орқали таълим тизимида ютуқларга эришамиз, деб ўйлайман.

«Туркистон-пресс»

### ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Боёвут тумани "Дехқонобод" хўжалигида тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Швейцария агентлиги, "Иқбол" ёшлар маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини ҳал этиш бўйича семинар бўлиб ўтди. Семинарни Конрад Аденауэр жамғармаси ташкил этди.

Маҳмуд ОРЗУКУЛОВ

Тошкент шаҳар Кенгаши ҳомийлигидаги Болалар ташкилоти ёзги таътил даврида ўқувчи ёшларнинг дам олишларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида оромгоҳларда ўтказиладиган тадбирлар режасига мувофиқ "Оқтош"да "Истеъдод ғунчалари" танлови, ва спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказди.

Муяссар ЖАМОЛИДИНОВА

## КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Одатда нутқ инсоннинг руҳий дунёсини, сўз бойлигини, маданият даражаси ва маълумотини белгилайди. Транспортларда эса кайфиятимиз бузилади: назоратчиларнинг кўпол муомаласи, йўловчиларнинг туртиниб ўтишлари, сўкинишлари... Ахир, сиз ёшлар — бизнинг эртаимиз, келажакимизсиз-ку! Сизнинг ижодингиз ва ишларингиз бизнинг бахтли ҳаётимизни таъминлайди. Сиз бизни келажак авлод ва ўтмишдаги аждодларимиз билан боғлаб турувчи "олтин ип"сизлар.

Ёнингиздаги инсонларни, ота-онангизни, ака-ука, опа-сингилларингизни, қариндош-уруғларингизни севинг, қўшнларингизни ҳурмат қилинг, яқинларингизга ёрдам қўлини чўзинг. Атрофимиздаги барча нарсалар — Ватанимизнинг бир бўлагидир.

Ўқитувчи сифатида мен ўқувчиларимга инсоний сифатларни сингдиришга ҳаракат

қиламан. Уларнинг меҳрибон, ақлли, меҳнаткаш инсон бўлишларини, янги асрда керак бўладиган мутахассис бўлишларини хоҳлардим.

Атрофимиздагилар билан келишиб яшаш, ҳеч кимдан хафа бўлмаслик, ўз хатоларини тан олиш ва тўғрилаш, тушкунликка тушмаслик ҳозирда керак бўладиган энг муҳим хусусиятлардир. Талабаларим орасида телевидение, радио ва матбуотда чиқиб турадиган шоирлар, хофизлар, музикачилар, актёрлар ва режиссёрлар бор. Маданият институти сизнинг қобилиятингиз ва имкониятларингизни намоён этиб, ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ерда олган билимларингиз руҳий оламингизни бойитади. Келажак ҳаётингизда дастурил-амал бўлиб хизмат қилади.

Гулчехра АЛИМАТОВА,  
Тошкент Давлат маданият институти катта ўқитувчиси

## БАҲСЛАР ҚИЗГИН КЕЧМОҚДА

Москва, 21 июнь. ЎЗА махсус мухбири Муҳаммад Амин хабар қилади



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсмирлар спорт ўйинлари қизгин давом этмоқда. Юртимиз спорт делегацияси таркибидан жой олган шахматчиларимиз анча яхши натижаларга эришмоқда. Самарқандлик 14 ёшли шахматчи Жўрабек Ҳамроқулов навбатдаги учрашувда озарбайжонлик Рауф Мамедов устидан ишончли ғалабани қўлга киритди. Бу муваффақиятдан сўнг ҳамюртимиз жами уч очко тўплади. Яна бир истеъдодли

шахматчимиз Юлдуз Ҳамроқулова киргизистонлик Жанил Тилеубоевани мағлубиятга учратди. Сарвиноз Эргашева эса киргизистонлик Александра Самаганова билан дуранг ўйнади. Бошқа бир шахматчимиз Антон Филипповнинг омади бироз чопмаяпти. У 5-тур баҳсида Грузия спортчиси Леван Панцулаяга имкониятни бой бериб қўйди.

Спортчиларимиз энгил атлетика



мусобақаларида ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Югуриш бўйича эстафетада қизлар жамоаси 4-ўринни эгаллади. Уғил болалар ўртасида уч хатлаб сакрашда Тарас Моисенко ҳамда Артём Лобачев 4-5-ўринлар билан кифояланди. Диск улоқтиришда Василина Казярская кучли ортиликдан жой олди.

Теннис бўйича ўтказилган учрашувларда Фофур Эшматов ва Фаррух Дўстовнинг омади чопмади. Лекин уларда жуфтлик баҳсларининг финал қисмида ўзларини кўрсатиш имконияти бор.

Стол тенниси, сузиш, қиличбозлик, спорт гимнастикасида ҳамюртларимиз совринли ўринларга эришолмади.

Бадий гимнастика мусобақалари эса энди бошланди.

Самбо, юнон-рум кураши каби спорт турлари яқунлангани боис, спортчилар учун Москванинг эътиборга молик жойлари бўйлаб саёҳат уюштирилмоқда.

(ЎЗА)

**Яхшилик азал-азалдан юксак кадрланиб келинади. Боиси, яхшилик инсонларнинг дилини мунаввар этиши билан бирга ҳамisha буюк ишларнинг дебочаси ҳам бўлиб келган.**

Инсонда яхшилик уч хил кўринишда намоён бўлади. Яъни, биринчиси биродарлари ва қариндошларига, иккинчиси турмуш ўртоғи ва фарзандларига, учинчиси ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббатдадир. Ўз биродарларига яхшилик аломати шунда кўринадими, бунда инсон дўстларига олийҳиммат бўлишга, ҳар соҳада, ҳар ишда ғайрат билан ҳиммат кўрсатишга, садоқат ила мададкор бўлишга интилади.

Алломаи замон Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий бу ҳақда: "То бошинга ўлим келмагунча имкон қадар ҳеч кимдан ёрдамнинг аяма. Муҳтожларга қўли очиклик билан эҳсон этгилким, бундан ғайрат камари-ла таҳсинга лойиқ нур сочувчи офтоб янглиғ яхшилик, эзгуликлар алал-абдаг қалбингдан мустаҳкам жой олсин",—дея ўғит беради. Шунингдек, гўзал, олижаноб фазилатларни ўзига касб этиш, разил одатлардан қочиб ҳам одоб-ахлоқ тарбияси борасидаги ғайратга қирадиган амаллардан бири саналади.

Умр йўлдошига қилинадиган яхшилик—уни поклик ва ифбатда сакламоқликка эришишдир. "Оилада вафо, садоқат ҳукмрон бўлиши улуг бир саодатдирки, унинг калити фақат тотувлик, тинчлик, иноқ-иттифоқлик, ифбат, назокат, шарму ҳаёга

асосланган бўлмоқлиги даркордир",— дейилади ҳадисларда. Бинобарин, ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт ҳам хайрли ишларга сабаб бўлиб келиши шубҳасиздир. Оиладаги тинчлик, хотиржамлик аввали сабр-қаноат қилишдадир. Сабр-қаноат баракотидан эл безанади, фисқи-фасод, адоват, гаразли ўйларга мутлақо ўрин қолмайди. Раҳмдиллик, олийҳиммат-

дошқозонлар остириб, катта зиёфатнинг тайёргарлигини кўра бошлабди. Очлик тобора қийнаб, ошқозони таталаб турганда мезбоннинг эртага пишадиган овқатидан не наф?

Худди шу ердаги бошқа бир хонадоннинг камбағал бўлса ҳам аҳли дониш эгаси меҳмонни ўз уйига олиб кириб, олдига қатиқ билан нон қўйибди. Хукмдор овқатланиб, жони ҳузур топибди.

Эртаси куни подшоҳ уларнинг барчасини ҳузурга чақиртириб, ўзини меҳмон қилган хонадон соҳибига беҳисоб мол-дунё ҳадя этибди, пасткаш бойга эса қаттиқ жазо берибди. Исрофгарга олийҳимматлики мол-дунё билан ўлжа бўлмастликини айтиб, бесамар қилган сарф-харажатларини эса: "Кимгаки, ғайрат ила олийҳимматлик ёр ўлибдур, ул бешак бахтиёрликка эришибдур",—дебди. Бояги беҳиммат кимса шу тариқа эл назаридан қолибди.

Хулоса қилиб айтганда, кишиларнинг тоабат ўз оиласи, қариндошлари, дўст-биродарлари ва халқига оқибатли, садоқатли, меҳр-муруватли бўлиши, раҳм-шафқат кўрсатиши унинг яхшилигидан далолатдир.

Яхши одоб-ахлоқ, самимийлик, энг муҳими катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОН деган номга ярашиғлик эзгу ва хайрли амаллар билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонишдан савоблироқ иш дунёда йўқ. Шу боис ғайрат камарини белга маҳкам боғлаган ҳолда ўзимиздан фақат яхши ном қолдиришга интилайлик.

**Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН**

## ЯХШИЛИК

лилик, сахийлик гўзал хулқларнинг энг аълоси ҳисобланади.

Қўли очик, сахий, мурувватли бўлиш учун бой-бадавлат бўлиш шарт эмас, оз нарса билан ҳам мурувват кўрсатиб, сахийлик қилиш мумкин.

Нақл қилишларича, подшоҳ кунларнинг бирида шикорга чиқибди. Қулоннинг ортидан қувиб, ўз маҳрамларидан узоклашиб кетибди ва адашиб қолибди. У шу тариқа талай йўл юриб, обдон дармони қурий бошлаганда бир қишлоққа келиб қолибди. Йўл танобини тортган подшоҳ ғоят очикқан, емак-ичмакка муҳтож эди. У отидан тушиб, бир дарахт соясига ўзини олибди ва бир одамга: "Мен сизларга меҳмонман. Нимаики тайёр овқатингиз бўлса, ўшал бирлан иноят қилинг, шул кифоядир",—депти.

Қишлоқдаги бадавлат бир одам нотаниш сайёхнинг оғир аҳволини кўриб ҳам назари пастлигидан "Ўлиб кетмайдими, менга нима", дегандай унга эътибор бермабди. Бошқа бирови эса, аксинча, қўйлар сўйдириб,

## БИЛИМ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ОЧАДИ

**Ижтимоий фанлар азалдан илм ўрганувчиларни ўзига қизиқтириб келган. Энг асосийси, дарсни ўқувчи онгига сингадиган, тез ҳазм бўладиган даражада содда, самимий қилиб тушунтира билишда. Ўқитувчи ўз фани бўйича дарс режаси чегарасида қотиб қолмаслиги керак. У ҳар дарс жараёнига янгилик олиб киришга ҳаракат қилиши лозим. Бугунги тараққиёт инсон тафаккурининг энг юқори маҳсули, эндиликда яралмиш нарсалар яратилган фанларни замонга мослаб, такомиллаштиришдан иборат.**

Бугунги ўқувчи истаган фанини дунё миқёсида ўрганишга имкони бор. Интернет орқали энг ривожланган давлатлардаги олий ўқув юртлари дарсликларидан, ўқув қўлланмаларидан фойдалана олади. Ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашаётгани мустақиллик туфайли илм эшикларининг кенг ва раван очилаётганида.

Албатта, тажриба алмашиш, тажрибали ўқитувчилар иштирокида илмий-амалий семинарлар ташкил этиш лозим. Айниқса, хориж таълим тизимининг бизга мақбул жиҳатларини ўзлаштириш учун кадрлар алмашиш масаласини барча ўқув юртларида ижобий ҳал этиш фурсати келди. Ҳозирда мактаб ўқувчилари ҳам чет эл мактабларида ўқиб келиш имконига эга бўлишди. Бу яхши, албатта. Лекин мактаб ўқитувчиларининг хориж мактабларида амалиёт ўтаб қайтишлари ҳам янада кучайтирилса, фойдалироқ бўларди.

**Зариф МАТЧОНОВ**

## ҚАБУЛ БОШЛАНДИ



Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтига бу йил 335 нафар талаба қабул қилиниб, шундан 125 нафари давлат грантлари бўйича, 210 нафари шартнома асосида талабалик шарафига муяссар бўладилар.

—Абитуриентларга барча шарт-шароитлар яратилган. Қорақалпоғистондан келган абитуриентлар бепул ётоқхоналар билан таъминланапти. Хужжатларни қабул қила бошладик. Насиб этса энг иқтидорли абитуриентлар институтимиз талабалари бўлишди— дейди қабул хайъатининг масъул котиби Абдували Муҳаммадиев.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар**

## ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Вояга етмаган икки ўспиринни йўлдан оздириб, ўзининг гайриқонуний ҳаракатларига шерик қилиб олган ва улар билан биргаликда ўғирлик жиноятини содир этган Абдуғаффор исмли йигит нафақат ўз тақдирига, балки шерикларининг келажақ пойдеворига ҳам болта урди.**

Улар жиноят кўчасига қандай кириб қолди, дерсиз?

Ушбу жиноий гуруҳнинг раҳнамоси бўлган Абдуғаффор 2002 йил март ойининг бошларида Тошкентдаги "Чорсу" бозорига мардикорчилик қилиб юриб, Озод билан танишиб қолади. Озод унга ўз уйдан чиқиб кетганлигини, тўғри келган ертўла, чордоқ сингари жойларда тунаб юрганлигини айтади.

"Дардларини" тўлиб-тошиб тўкиб ташлаган бу болакай Абдуғаффорни қизиқтириб қолади. Чунки, у учун ана шу тоифадаги болалар асқотиши мумкин эди. Аввалига у ва янги таниши бир неча жойларда ишлаб, ҳалоллик билан топган пулларини ўзаро бўлишиб, кунларни кунларга улаб юрдилар.

8 март байрами арафасида Абдуғаффор шогирдига бир "иш" таклиф қилади. Гапни аввало Озод манфа-

атдор бўладиган томонлари билан қизиқтиришдан бош-

## ОМАДСИЗ ЎҒРИЛАР

лаб кўндиришга ҳаракат қилади. Хуллас, фақатгина мардикорчилик қилиб, ишлаб эмас, балки миёни бироз ишлатиб ҳам мўмай пул топиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилган Озод, энди "устози"дан тезроқ ўша режаларини амалга оширадиган вақтни бетоқатлик билан суриштира бошлайди.

Шундай қилиб, икковлон Шайхонтоҳурдаги Сўзиқ Ота кўчасига равона бўладилар. Ўн биринчи уйнинг олдига келишиб, ушбу хонадоннинг омборхонасидан икки дона қасқон, битта самовар, алюминийдан ишланган яна бир дона стол, бир дона осма соат, 50 литрли сув идиш ва қора рангли сумкани ўғир-

лаб олиб, "Жар" спорт мажмуасининг орқа томонидаги дарахтзорнинг ичига беркитадилар. Сўнгра, уларни тезроқ пуллаш мақсадида, "Чорсу" бозорига кириб, бир аёлга ўзимизни нарсалар деб сотмоқчи бўладилар. Мижоз рози бўлгач, ўғрилар

молларни йўловчи машинада олиб келиб, энди кўрсатётганларида, тўсатдан ушбу нарсаларни эгаси кўриб, таниб қолади. Абдуғаффор ва Озод эса жуфтаникни ростлаб қолади.

Дастлабки "ов"лари натижасиз тугаб, чўнтакларни ҳам пулсиз қолган "устоз ва шогирд" яна мардикор бозорига пайдо бўлади. 12 март куни уларнинг сафига кўринишидан чаққонгина Баҳодир исмли йигит келиб қўшилади.

Энди имкониятларини етарли деб ҳисоблаган гуруҳ раҳбари Абдуғаффор янги режасини ўртага ташлайди. Мақсад Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган 1-

## ҚАЛБАКИ ДОЛЛАР УСТАСИ

Яқинда ИИБ ходимлари Сирғали эҳтиёт қисмлар бозорида қалбаки доллар билан савдо қилаётган шахсни қўлга туширишди.

Маълум бўлишича, Тошкент вилояти Зангиота тумани Ёқубов кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи фуқаро О.Б. бозорда эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи С.Матниёзовни чув туширмоқчи бўлган. У сотувчига 75.000 сўмлик "ТИКО" автоулови эҳтиёт қисмлари учун қалбаки 50 АҚШ доллари тўлаб, қайтим ҳисобида 3100 сўмни олиб кетмоқчи эди. Хайрият, товламачининг навбатдаги кирдикорларига ички ишлар ходимлари томонидан чек қўйилди.

## «ЎРГАНГАН КЎНГИД, ЎРТАНСА ҚҮЙМАС»

"Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас", деганларидек, муқаддам судланган Уста Олим 4-бەрк кўчасида яшовчи Ш.Ж. озодликнинг қадрига етмади. Бу ҳам етмагандай, у дўсти Т.Расулов кўчасида яшовчи Н.М.ни ҳам ўз измига солди.

Икки ошна 60-ҳарбий шаҳарчада яшовчи Л.Бердиалиеванинг уйига бостириб кириб, уни пичоқ билан кўрқитишди ва 15.000 сўм пулини тортиб олишди. Қилган номаъқулчиликлари камдек кўринган зўравонлар хонадон соҳибини кўчага ҳайдаб чиқаришди.

Воқеа жойига етиб келган ИИБ тезкор ходимлари зўравонларни ҳибсга олишди.

## БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Халқимизда "ишлаган тишлайди", деган нақл бор. Албатта, бу нақл ҳалол пул топадиганларга нисбатан айтилган. Лекин афсуски, буни бошқача талқин қиладиганлар ҳам топилиб туради. Шундайлардан бири ТТЗ биринчи кварталда истиқомат қилувчи Д.Н. экан. У тер тўқмасдан туриб, мўмай даромадга эга бўлмоқчи бўлди. Шу мақсадда Бехтеров биринчи тор кўчасида яшовчи С.В. Марченконинг уйида йўқлигидан фойдаланиб, унинг газ печкаси, шафафи ва учта газ балонларини ўғирлаб кетди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, ўғрининг қилмиши ҳам тезда милиция ходимлари томонидан фош қилинди.

## ЁШЛИК БЕБОШЛИКМИ?

Кўпинча ёшлар хатога йўл қўйса, "ҳали ёшда", деб қўйишади. Лекин шундай ёндашув ёшлар тарбиясининг бузилишига олиб келиши мумкин. Мирзо Улугбек туманида ИИБ ходимлари томонидан очилган жиноят ҳам ана шундай муносабатларнинг оқибатидан келиб чиқди.

Маълум бўлишича, Ф.Хўжаев кўчасида яшовчи икки ўсмир С.С ва И.Г "Ўзкабель" заводининг биринчи цехидаги симтўрни кесиб ўтиб, ММ-4мм.ли 32 кг. мис симни ўғирлаб кетишган. Улар ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бизнингча, ота-оналар доимо фарзандлари тарбиясига эътибор билан қараб, уларда турли иллатларни шакллантирмасликка ҳаракат қилишса, юқоридаги каби жиноятларнинг ҳам олди олинган бўларди.

**Бехзод БОЗОРОВ, ИИБ матбуот маркази материаллари асосида тайёрлади**

шаҳар касалхонасининг орқа томонида қурилатган иншоот ичидан 50 метр кабелни ўмариш эди. Фурсатини топиб, ашёни қўлга киритган олғирлардан бу сафар ҳам омад юз ўғирган эди. Улжаларини яна пуллаш учун "Чорсу" бозорига олиб кетаётганида уларни Озоднинг отаси кўриб қолиб, барчасини милиция ходимларига топшириб юборади.

Шундай қилиб, мазкур жиноят иши юзасидан айбланувчилар ўз айбларига иқдор бўлишиб, минг афсус қилиб қолдилар. Аммо, энди ғишт қолипдан кўчиб бўлган эди. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаслиги аниқдир. Абдуғаффор ўзи билан бирга вояга етмаган шахсларни ҳам эгри йўлга бошлаб, жиноят содир этганлиги учун ҳам жавоб беради. Унинг шериклари бўлган Озод ва Баҳодирлар ихтиёрий равишда ноҳўя ишларга қўл урганликлари учун айбланадиган бўлишди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси матбуот маркази нозир**

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ 2002

Аср бошидаги дастлабки жаҳон чемпионати бутунлай топишмоққа айланаётганлиги рост. Бунда ҳаттоки футбол синчилари ҳам сувга тушган мушукдек жимиб қолишмоқда. Буни қарангки, ҳали чемпионат бошланмасидан футболсеварларнинг етмиш фоизидан ортиқроғи Франция ёки Аргентинани голибликка асосий даъвогар санаётган эди. Афсуски, бу иккала терма жамоа гуруҳ ўйинларидан бошқасига ярамади. Уртада Сенегалликлар "мазза" қилишди. Бемалоллик кайфиятига етиб келишди. Хўш, нега шундай деяпмиз? Чунки, биргина Сенегал терма жамоаси ҳақида гапирадиган бўлсак, улар ўзлари фараз қилган натижадан ҳам юқориқор чўққига чиқиб олишди. Энди турклар билан бўладиган чорак финал учрашувида ютишса ҳам, ютқазилса ҳам барибир.

гил тортганлиги сир эмас.

Ҳамма ўзича ўйлаётган бўлса керак, чемпионат нега ҳеч ким кутмаган даражада ҳайратли бўлмоқда, деб. Биз учун шуниси аёнлашмоқдаки, жаҳон футболдаги "катталар" (Аргентина, Франция, Италия, Португалия, Швеция ва бошқа терма жамоалар назарда тутилмоқда) бироқ чарчаганга ўхшайди. Буни шу кунларда бемалол ҳақиқат дейишимиз ҳам мумкин. Яна шуниси борки, бу сафар ушбу "катталар"нинг бош мураббийлари кўпроқ хатога йўл қўйишди. Масалан биргина Роже Лемерр дастлабки ўртоқлик-синов учрашувидаёқ (Ж.Корея билан) Зайниддин Зиданнинг "бошига" етди. Натижада

дай натижа билан бўлса-да, Японияни тезроқ тарк этиш ва бироқ дам олиш истаги билан ўйинларни бошлашган эди. Бунинг устига инглизлардан энгилиши улар-

бермай иложимиз йўқ, албатта. Роналдо, Ривалдо, Роналдино, Роберто Карлос, Денилсонлар ҳали ўзида борини тўлиқ ишга солмасдан, ҳаммани шошириб ташлади. Шунингдек, ҳозирги шароитда испанлар, немислар ҳам голибликка асосий даъвогар. Ҳеч ким уларни четга суриб қўйиш

## БРАЗИЛИЯ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ...МИ?

нинг руҳини янада пастлатиб юборди.

Дунёдаги одамлардан футбол ҳақида сўрсангиз, албатта, бош бўғинни қизил ва оқ танлилар ташкил этади, дейиши аниқ. Аммо зимдан эътибор қиладиган бўлсангиз, ҳар чемпионатда асосан қора танлилар кутилмаган янгилик ва шов-шувга сабаб бўладилар. Ўн еттинчи жаҳон чемпионатида Сенегал терма жамоаси оламни худди шундай ҳайратга солди.

Дунёнинг футболдаги устун саналмиш Бразилия тўғрисида гапирадиган бўлсак, уларга тан

қудратига эга эмас. Испанларнинг омади чапаётганини яна шундан англасак бўладики, улар чорак финалда ўйнаса ва ютса бўладиган — Жанубий Корея йигитларига рўбару келишди.

Бугун ўзбекистонлик футбол ишқбозлари номидан гапирадиган бўлсак, шурумизга дарҳол битта савол келади: хўш, биз жаҳон чемпионатида кимга "тарафкашлик" қилганимиз маъқул? Буни ҳар ким ўзича ҳал қилади. Лекин шуниси аёнки, аксарият юртдошларимиз турклар, корейлар ҳамда сенегалликлар томонида турганлиги ҳам сир эмас. Сабаб — турклар шу кунгача нимага қодирлигини намоиш этиб бўлишди. Корейлар эса дунёнинг энг қучли терма жамоаси — Италияни мағлуб этишди.

Жаҳон чемпионатини кузатар

эканман, мен бир томондан қувонаяпман, иккинчи томондан ичимда ташвиш ва ачинишга ўхшаган нимгурмалик кайфияти кўпириб турибди. Қувонишимнинг сабаби шу — агарда жиддий тайёргарлик кўрилса, ҳар қандай терма жамоа ҳам футбол "катталари"ни бемалол қулатса бўларкан (бу ҳозирча Ўзбекистонда ўйлаб кўрилмаётган масала). Бунга мисол Жанубий Корея! Бунинг исботи — Туркия! Бунга ишониш учун ҳеч бўлмаганда Сенегал ёки АҚШдаги футбол мутасаддиларининг ҳаёти билан зимдан танишиш даркор. Муҳими, хоҳиш, истак бўлса, бас. Ташвишланаётганим ва ачинаётганимнинг боиси шундаки, бу галги чемпионат ўйинларида жаҳонни ларзага солиб келган Бартез, Жоркайф, Виера, Зидан, Захович, Рекоба, Томассон, Чилаверт, Фигу, Кошто, Батистута, Ортега, Кану, Даф, Мбома, Якобсон, Андерссон, Малдини, Индзаги, Накато, Шукер, Бокшич, Эрнандес, Мостовой Оуэн, Бекхем сингари юлдузлар ҳам ожизлик қилишди. Демакки, аста-секинлик билан уларнинг ҳам "даври" ўтиб бормоқда. Кейинги чемпионатда уларни ё эслаймиз ёки эсламаймиз.

Вақт олий ҳакам деб бежиз айтилмаган. Футболдаги қудрат, қучқувват шунчалар бешафқатки, у ака-укани, ота-болани кўриб, билиб бир-бирига қарши тирашмоққа чўрлайди. Ҳеч ким сиз отамсиз, сен эса укамсан демайди. Шунинг учун ҳам бу ўйиннинг ишқбозлари ҳар сонияда катта-катта шаҳарларни, йирик-йирик мамлакатларни бутунлай ҳонавайрон қилишга жазм эта оладилар. Алқисса, дунёни зўрлар бошқаради. Айни паллада эса кимнинг зўрлиги номалум бўлиб турибди.

**Нормурод МУСОМОВ,**  
«Turkiston» мухбири



Бундай кайфият албатта бемалолликка олиб келади. Бемалолликнинг замирида эса ишонч ва совуққонлик яшайди. Бас, шундай экан, сенегалликлар турклар учун катта таҳдид, хавотир ҳамда ечимсиз топишмоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Инглизлар ҳақида нима дейиш мумкин? Жаҳон чемпионати давомида улар ҳам бирдан бир ва азалий орзуларига эришди ҳисоб, яъни Аргентина терма жамоасини мағлуб этиб, қушдек ен-

Франция кетма-кет ўйинларда оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Зиданнинг зўрлигини қаранг, битта ўзи бутун бир мамлакат терма жамоасининг бор-йўқлигини белгилаб турган экан. Қолаверса, французларнинг ожизлигини кўринг, Зидансиз улар ҳеч ким эмас экан.

Мишель Платинининг айтишича, Аргентина терма жамоасининг аъзолари жаҳон чемпионатида қадар футболдан шунчалик чарчашган эдики, шу боис ҳар қан-

### Тахмин КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

Биз бугундан бошлаб республикамиздаги мутахассислар, таниқли кишилар, номдор спортчилар билан боғланиб, ўн еттинчи жаҳон чемпионатида совринли ўринлар қайси жамоаларга насиб этишини сўрашга ва уларнинг тахминларини газетамизда бериб боришга киришдик. Дастлабки тахминларни таниқли санъаткор ва тележурналист Соат Шарипов ва футбол бўйича Осиё ўйинлари голиби, спорт устаси Абдуқаҳҳор Маъруфалиевлар қуйидагича билдиришди

**а) Соат Шарипов:**  
1-ўрин Бразилия.  
2-ўрин Жанубий Корея.  
3-ўрин Германия.  
4-ўрин Туркия.

**б) Абдуқаҳҳор Маъруфалиев:**  
1-ўрин Германия.  
2-ўрин Бразилия.  
3-ўрин Сенегал.  
4-ўрин Жанубий Корея.

### МАРАДОНА НЕМИСЛАРНИ МАҚТАМОҚДА

Аргентиналик афсонавий футболчи Диего Армандо Марадона Германия терма жамоасига нисбатан ўзининг ижобий муносабатини билдирди. "Немислар устидан қарийб ғалаба қозониб бўлмади, дейди 1986 йилги жаҳон чемпиони Швейцариянинг "Блайк" газетасига берган интервьюсида".

Марадонанинг фикрича, немислар жамоа дарвозабони Оливер Кандан руҳий мадад олиб, майдонда ҳаракатланишади. "У дўстларида ғалабага иштиёқ уйғотади, дейди барча халқлар ва даврларда машҳур бўлган футболчилардан бири, — биз немислар билан ўйнаганимизда, Бригель деган танксифат ҳимоячи мен майдонда бемалол ҳаракатланишимга роса халақит берганди. Менинг тасаввуримча, барча немис ҳимоячилари унга ўхшайди".

**Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади**

Сўнгги ўн йил мобайнида Миср Араб мамлакатини олиб борётган ташқи сиёсати халқаро майдонда, шунингдек, БМТ ва кўплаб халқаро ташкилотлар доирасида сезиларли мавқега эга бўлиб, Миср ҳукумати Африка қитъаси ҳамда Яқин Шарқда рўй бераётган минтақавий можароларни ҳал қилишда ҳам фаол сиёсат олиб бормоқда. Ушбу ҳудудлардаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида кўплаб халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб ядро қуролини ман этилишини талаб қилиб чиқмоқда.

Мисрнинг ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти ва халқаро муносабатлар тизимидagi ўрни беқийсдир. У Яқин Шарқ, Шимолий Африка ҳамда Урта Ер денгизи мамлакатлари орасида барча йўналишларда фаол ташқи сиёсат олиб бораётган давлатдир.

Миср Араб Республикасининг ташқи сиёсати панамериканизм, евроцентризм ва панисломизмдан узоқдир. Жумладан, араб бирдамлиги, афроосиё ҳамжихатлиги, халқаро ҳамкорлик, ижтимоий тараққиёт ва қўшилмаслик — булар расмий Қоҳиранинг ҳозирги кундаги ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади.

Миср Араб Республикаси биринчилар қатори Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олган давлатлардан бири саналади. Айтиш керакки, ўзбек-миср муносабатларидаги дўстлик ва

да ривожланиб бормоқда. Мазкур дўстлик жамиятига Қоҳира Давлат университети ректори, доктор Нажиб ал-Ҳилолий раҳбарлик қилмоқда. Айтиш жоизки, бу университетнинг иқтисод ва

## МИСР ХАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

ҳамкорлик ришталари узоқ тарихга эгадир.

Кўплаб ажлодларимиз ўз даврларида олис ва машаққатли масофаларни босиб ўтиб, Мисрға борганлар. У ерда ўша замнинг илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Улар орасида, буюк олим Аҳмад ал-Фарғоний алоҳида ўрин тутди. Маълумки, буюк ватандошимиз умрининг кўп йилларини Мисрда, хусусан, Қоҳирада ўтказган ва у ерда буюк Нил дарёси сатҳининг кўтарилиш даражасини ўлчашда жуда муҳим бўлган "Нил ўлчагич" деб аталувчи машҳур иншоотни яратган.

Тарихий шаклланиб келган ҳар томонлама алоқалар ҳозирги кунда ўзига хос тарз-

сиёсий билимлар факультети қошида Осиё тадқиқотлари маркази очилган бўлиб, бир неча йилдан бери шу минтақа мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳақида жиддий илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ҳозирга қадар 350 га яқин ўзбекистонлик турли мутахассислар Мисрда амалиёт ўтаб қайтди. Ушбу муассаса томонидан Мисрдаги илмий марказларда ва институтларда малака ошириш учун ўзбекистонликларга кўплаб грант ва стипендиялар ажратилди. Тақдим этилган грантлар асосида ўзбекистонлик мутахассислар Полиция академияси, Миср Банк институти, Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Диплома-



тик тадқиқотлар институти, Вазирлар Маҳкамасининг Маълумотлар ва қарорлар қабул қилиш маркази, Туризм бўйича Олий ҳайъат, Миллий транспорт институти, қишлоқ хўжалиги халқаро маркази, Стратегик тадқиқотлар маркази, Радио ва телевидение маркази, Электрлаштириш ташкилоти, Геология институти каби ташкилот ва муассасаларга малака ошириш ва тажриба алмашиш учун бордилар.

Жаҳон сиёсатида халқаро интеграция чуқурлашиб бораётган бир даврда мазкур олиб борилаётган жараёнлар Ўзбекистон ва Миср ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик ришталари янада ривожланиб бораётганлиги, халқларимиз ўртасида шаклланиб бораётганлиги билан далolat беради.

**Шаҳноза ЖАББОРОВА**

### РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК:

## Тўлақонли ҳаёт

Ҳар бир инсон репродуктив саломатлик муҳофазаси хизматларига мурожаат қилиш ва у тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Бу давлатимизнинг миллий сиёсатида ўз ифодасини топган. Бундай ҳуқуқлар репродуктив ҳуқуқлар, дейилади. Ҳар бир фуқаро ўз фарзандлари, улар ўртасидаги туғилиш оралиғи ва жинслар тенг ҳуқуқлилиги, никоҳдан ўтиш, оила қуриш, шахсий оилага эга бўлиш ҳамда шу соҳада ахборот олиш, уни шакллантириш ҳуқуқига эга. Инсонга хос мойилликнинг муайян бошланғич даражаси мавжуд. Жинсий мойиллик инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. У ўзаро боғлиқлик, ўз фикрини, ўзлигини ифодалаш воситасидир. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотида унга қуйидагича таъриф берилади: "Мойиллик бу — моддий, руҳий, ижтимоий, илиқ муҳаббат алоқаларида ўзлигини намоён қиладиган ҳиссиётдир". Мойиллик инсон туғилиши билан намоён бўлади ва жинсий ривожланиш босқичларига кўра ҳаёти охиригача давом этади. Турли ёшда турлича пайдо бўлади. Репродуктив функцияларни амалга ошириш йўналтирилган ахлоқ тизимларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўла бошлайди. Бунда аъзолар ва уларни бошқарувчи механизмлар руҳий, ҳиссий, нерв-вегетатив жиҳатдан ривожлана бошлайди. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти репродуктив функцияларда намоён бўлади.

**Ўз мухбиримиз**

**2002 йил**  
**28 июнь соат 10<sup>00</sup>.**  
**Камоллидин Бехзод**  
**номидаги миллий рассомлик**  
**ва дизайн институтида**

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ**  
ўтказилади. Қизиқувчилар таклиф этилади.

**Манзил: Тошкент, Ю. Ражабий кўчаси,**  
**77 уй.**

## МАЪНАТ ДАРАКЧИЛАРИ

- ✓ Мевалар тез етилса, билин- ги киш эрта келади.
- ✓ Бодом иккинчи марта гул- ласа, киш қаттиқ келади.
- ✓ Кузда дарахтлар барги бир- дан тўкилиб кетса, киш қаттиқ келади.
- ✓ Агар асаларилар уясидан чиқмай кўйса, чумолилар ини атрофида кўринмаса, ҳаво ай- нийди.
- ✓ Қора чигиртка чирилласа, ҳаво очиқ бўлади, чириллама- са ёмғир ёғади.
- ✓ Чумчуқлар қишда баравари- га сайраса, ҳаво исийди.
- ✓ От пишқирса ҳаво иссиқ бўлади, бошини силкиб юқори- га чўзса ёмғир ёғади.
- ✓ Ит увилласа ёмон хабардан дарак.

Доно тайёрлади



## ИМЗОЛАР «ТИЛГА» КИРГАНДА

Инсоният ибтидосида ёзувнинг кириб келиши билан бирга ҳар бир шахсга нисбатан имзо қўйиш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлиб, у кенг тарзда шаклландир. Ҳозирги кунга келиб тиниб-тинчимас руҳшунос олимлар айнан имзолар орқали шахснинг бутун ички қиёфасини очиб бериш мумкин эканлигини исботладилар. Агар имзонгиз узун бўлса, бу сизнинг хотиржам- лигингиздан, чидам ва сабр ила ҳар бир ишни чуқур таҳлил

қилишга қодир эканлигингиздан дарак берад экан. Мабодо киши мақтан- чоқ, ўзига оро бер- ган, дунёқараши, фалсафаси кучли бўлса, бундай инсон- ларни турли чизиқлар билан нақшсифат безатилган имзосидан билиб олиш мумкин бўлади. Агар имзо сўнгида нуқта белгиси қўйилса, у ҳолда бу имзо эгаси бошлаган ишни охи- ригача етказмасдан қўймайдиган- лар тоифасига кираркан.

Рустам СУЛАЙМОНОВ



«Turkiston» qaldirg'ochlari

ЎНИБ

ЯШАЙМАН

Юрак юрак эмас экан қўшиқсиз, Юртим сенга лойиқ қўшиқ излайман. Мен қандай ошиқман она-Ватансиз? Элим деб, юртим деб ёниб яшайман.

Сени дунё танир, Ер танир бу кун, Ифтихорим - Ватан туйғуси бутун. Юракда бир олам меҳрим сен учун, Элим деб, юртим деб ёниб яшайман.

Сенинг мағрур фарзандингман сирдошим, Фақатгина сенга эгилур бошим. Нечун қўллашингни дилдан туюшим, Элим деб, юртим деб ёниб яшайман.

Эрк берган бахтиёр давроним ҳаққи, Муқаддас гурурим инъоми ҳаққи, Буюк ажодларим армони ҳаққи, Элим деб, юртим деб ёниб яшайман.

Ҳилола АХМЕДОВА,  
талаба



## БАХТЛИ ОНЛАР



## КУЛГИ +

— Нима учун хотинингиз билан доимо кўчада жанжал- лашасиз?  
— Чунки хотиним уйда тинчлик бўлишини истайди.

Сочлари тўкилиб кетган одам куюқ сочли огайнисига деди:

— Ҳар ҳолда менинг ўзим- га яраша устунликларим бор. Масалан, аёл киши билан уч- рашувга бориш олдидан галстугимни тузатаман, ха- лос.

— Кўп ташкилотларда, дея маъруза қилмоқда янги директор, — ходимларнинг ярми ишлайди, ярми бекор- хўжа... Бундан буён бизда акси бўлади.

— Бизнинг почтамитиз жуда ёмон ишлайди-да, — деб шикоят қилди ошнасига кекса профессор. — Уч кун бурун мен ҳамкасамга хат ёзган эдим. Бугун ўша хат чўнта- гимдан чиқди.

Икки маҳбус суҳбатлаш- япти:

— Сен юридик хатоларга ишонсанми?

— Ҳа, албатта. Масалан, мени уч марта оқлашган.

Холхўжа БАДИЕВ  
тўплади

## ҚУДРАТЛИ КУЧ

Умр инсон учун буюк неъмат. Ҳар бир одам- ни нурлантириб турадиган офтоб бор, бу оф- тоб муҳаббат, меҳр, шафқат, виждон, эзгулик, олийжаноблик каби фазилатлардирки, улар асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодлар- га ўтиб, инсон ҳаётига теран мазмун ва гўзал- лик бахш этиб келмоқда ва бу эътиқодлар, даставвал, аҳилликда ҳаёт кечираётганлар сий- мосида мужассамлашади. Инсониятга муҳаб- бат, меҳр, эзгулик, олийжаноблик, осойишта ҳаёт бахш этадиган қудрат аҳилликдир. Бу фа- зилат ҳаёт мазмуни, инсонларга бўлган чек- сиз муҳаббат, ҳаёт занжири, ҳаёт мангулиги- дир. Биргина аҳиллик туфайли икки ёш бир- лашади, муносабатлар мустаҳкамланади, му- қаддас оила вужудга келади. Унда меҳр му- ҳаббат, тинч-тотувлик шаклланади. Оилалар бирдамлиги эса кучли бир жамиятни ташкил этади. Зеро, ҳеч қандай куч бундай жамиятни енга олмайди. Ҳатто курт-қумурсқалар, чумо- лилар ҳам шундай аҳилликда кун кечиради- ларки, рақиб ҳашоратлар, ҳайвонлар ҳужум қилса, улар биргаликда ўзларига муқаддас бўлган ерлари учун курашадилар.

Бу сўз тоғлардан азим, тўфонлардан қуд- ратли, қуёш янглиғ порлоқдир. Аҳиллик билан ҳар қандай офатни даф қилиш, ҳар қандай ёвни маҳв этиш, ҳар қандай тўсиқни янчиб ташлаш мумкин.

Ушбу қудратли куч инсонларни бирдамлик- ка, бир-бирларини тушуниб яшашга, занжир- дек мустаҳкам дўстликка чорлайди.

Наргиза ОРИПОВА,  
талаба

Ҳиндистонга боришни орзу қилганлар кўпроқ унинг бир жиҳатини тилга олишади. Унда бутун дунё- ни лол қилган мўъжиза бор. У асрлар давомида шоир- лар томонида куйлаб кел- линган Шохжаҳон ва Мум- тоз Маҳалбегим ёрқин севгисининг тимсоли Тож Маҳалдир. Бу буюк қалб соҳибларининг илк учрашувла- ри ҳақида жуда кўплаб афсона ва ривоятлар тўқилган. Уларнинг бирида келтирилишича, шаҳзода Хуррам бир кун бозорда қўлларига ва бўйнига ёғоч- дан қилинган мунчоқ тақиб олган соҳибжамол қизни уч- ратиб қолади. Бу қизнинг бир нигоҳидан нақ шаҳзода ақл ҳушини йўқотиб қўяди ва ўша заҳоти бу қизга уй- ланишга аҳд қилади. 1628 йилда мана шу афсона қаҳрамони шоҳ Хуррам Шохжаҳон номи билан тах- та ўтирган. Француз ши- фокори, файласуф ва сайёҳи Франсуа Берни ўз хотира- ларида Шохжаҳоннинг ёнида бу аёл бўлганида ҳеч қачон, бошқа аёлларга эъти- бор бермаган, дея гувоҳлик беради.

Мумтоз Маҳалбегим Шохжаҳонни энг узоқ ва оғир сафарларида доимий ҳамроҳи бўлган. 17 йиллик бахтли турмуш давомида улар 13 фарзанд кўришади. Лекин 1926 йилда Мумтоз Маҳал 14-фарзандининг дунё- га келишида вафот эта- ди. Бу воқеа Шохжаҳоннинг зафар билан қайтаётган ҳар- бий сафарларидан бирида содир бўлади. Шохжаҳон бу жудоликка чидолмай, ўзи- ни ўлдириш даражасигача боради. Ҳаттоки, сочлари тўкилиб кетганлиги ҳақида

ҳам тарихий маълумотлар бор.

Ярим йилдан сўнг Мум- тоз Маҳал хокини Аграга олиб келишади. Чунки Шох- жаҳон ўз рафиқасига ҳар та- рафлама муносиб бўлган мақ- бара қурдириш мақсадида

## ВАФО ВА САДОҚАТ ҚАСРИ

эди. Шу тариқа дунёнинг бе- такрор мўъжизаси бунёд эти- лади. Мақбаранинг қурили- шига бутун дунёдан 20 мин- гдан ортиқ қўли гул усталар таклиф этилади ва у 22 йил давомида қурилади. Бу қури- лишга шерозлик уста Иса Кха раҳбарлик қилади. Кўплаб мамлакатлардан қим- матбаҳо мрамлар ва тош- лар олиб келинади.

Бинонинг марказига кат- та зинапоялардан борилади. Бу зинанинг бошланишида ибодатхонага қирилатган- дек оёқ-кийимлар ечилади. Оқ мрам билан қоплан- ган деворлар минглаб қим- матбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар билан безалган. Му- сулмондаги асосий унсур- лардан бўлган Қуръоннинг 114 сураси туширилган нақ- қошлик намуналари бу оби- да ромлари учун бетакрор гўзаллик бахш этган.

Бинонинг марказида мрам уймакорлиги билан ишланган панжара ортидан 2 та сағана кўриниб туради. Уларнинг остида эса бир жуфт асл қалб бор. Бу хо- нанинг деворлари ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан ишланган бўлиб, гулдор бе- заклар товланиб туради. 1653 йилда ушбу обида қурилиши ниҳоясига етган.

Шунда ҳукмдор иккинчи мақбаранинг қурилишига буйруқ беради. Қора мар- мардан айнан биринчи мақ- баранинг қурилишига қиёс- лаб қурилган бу мақбара ҳукмдорнинг ўзига аталган эди. Лекин бу ўз даврида

қилиниши лозим бўлган фавқуллодда иш эмас эди. Чунки мам- лакат тиним- сиз урушлар ва қиммат- баҳо бино қурилишига

кетган сарф-харажатлардан ночор аҳволга келиб қолган эди. 1658 йилда Шохжаҳон ўрнига унинг ўғли Аврангез ҳукмдор бўлади ва иккинчи мақбарани қурилишини тўхтатади. Отасини эса ум- рининг охиригача Аградаги баланд қизил минорага бан- дихонада сақлайди. Шох- жаҳон 9 йиллик умрини де- разасидан Тожмаҳал кўри- ниб турадиган хонада ёлғиз- ликда ўтказган.

Уни ўз васиятига кўра су- юкли рафиқасининг ёнига дафн этишади.

Ҳозир бу мақбара дунё- даги энг гавжум сайёҳлик марказларидан бирига ай- ланган. Бир вақтлар мақба- ранинг улкан дарвозалари тўлалигича мисдан ишлан- ган бўлиб, унда қимматбаҳо тошлар кўп эди. Лекин улар йиллар мобайнида ўғирла- ниб кетилган ва ҳозир мис- дан ишланган эшиклар ўрна- тилган. Бироқ кўп асрлар муқаддам қандай бўлса ҳозир ҳам шундай тарзда икки се- вишган қалб соҳиблари қаб- ри узра ҳар кун гўзал гул- дасталар яшнаб туради. Зеро, бу икки қалб афсонаси сўнмас муҳаббатнинг бетак- рор қўшиғига айланган.

Феруза ТОШМАТОВА

# БОБОМ АЙТГАН ЭРТАКЛАР

Ўзбек халқи — ижодкор халқ. Бунга халқимиз яратган оғзаки ижод намуналари ҳам асос бўла олади. Ҳа, оғзаки ижод жанр намуналарида халқимиз табиатида хос бўлган топқирлик, зукколик, сўзамоллик каби хислатларни, эзгуликка интилишни кўришимиз мумкин. Бу эса бизни ана шундай хислатларга эга бўлиш учун ҳаракат қилишга чорлайди. Шу боис ҳам айтиш мумкинки, халқ оғзаки ижоди намуналари — эзгуликка чорловчи ноёб дурдоналардир.

Бугунги кунда нутқимизда энг кўп қўлланиладиган оғзаки ижод намуналаридан бири сўз кўрки бўлмиш мақоллардир. Биламизки, мақоллар нутқнинг таъсирчан, қисқа ва тушу-

нарли бўлишини таъминлайди. Лекин эътибор берсангиз, мақолларни кўпроқ ёши катта кишилар ишлатишади. Шунинг учун ҳам ёш авлод катта ҳаёт таърибасига эга бўлган, кўпни кўрган кишилардан халқ оғзаки ижоди намуналарини, айниқса мақолларни ўрганиб олишлари лозим. Мақолабларда ким кўп мақол айтиш тарзида беллашувлар кўпроқ ўтказилса, ёш авлод бундай ажойиб ижод намуналаридан бебахра қолишмайди. Шукрки, халқ оғзаки ижодининг жуда кўп намуналаридан баҳраманд бўлиш имкониятига эгамиз. Чунки бир қанча оғзаки ижод намуналари бизга қадар етиб келган. Бундан ташқари, дарсларни ҳам топишмоқ,

мақол, эртақ, афсона каби жанрлар ёрдамида яна ҳам мароқли ва жонли тарзда ўтказиш мумкин. (Масалан, география, физика, химия, биология фанларида кўпроқ топишмоқлардан, тарих, адабиётда эртақ, афсона ва ривоятлардан, барча фанларда мақол ва маталлардан фойдаланиш мумкин). Бу дарснинг қизиқ ва мароқли бўлишини, ўқувчиларнинг дарсга бўлган эътиборлари ошишини таъминлайди. Асосийси, улар халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўладилар.

Яна бир гап. Биз ука ёки жиянларимиз эркалик қилса, йиғлашса, уларни уришиб кўрқитамиз, “таъзирларини бериб кўямиз”. Бир ўйлаб кўринг, бунинг

ўрнига уларга эртақлар, ибратли нақллар айтиб берсак-чи?! Ахир, қайси бола эртақни яхши кўрмайди?! Болажонларга юрт фидойилари, қахрамон, ватанпарвар инсонлар ҳақидаги афсонаю ривоятлардан ёки қизиқ-қизиқ латифалардан сўзлаб берсак, улар берилиб тинглайдилар-ку?! Биздан озгина ижодкорлик талаб қилинади, холос. Бу орқали биз улар қалбида болалигиданок Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини уйғота оламиз. Шундай экан, халқ оғзаки ижодини яна ҳам яхшироқ ўрганишимиз, ёш авлод ниҳолларни шу зилол чашма сувлари билан суғоришимиз керак.

**Беход  
ФАЗЛИДДИНОВ,  
талаба**

Ҳаёт гулшанида умр аталмиш бир гул экилган эди. Ўша умр гулига сайқал бериш мақсадида иймон, сахийлик, меҳру муҳаббат, дўстлик, эзгулик, ҳурмат ва иззат аталмиш фазилатлар яралган бўлиб, уларнинг ичида номус ҳам бор эди. Уларнинг борлиги туфайли ҳам умр гулининг мазмун нуридан жамики инсон хуш кўрадиган гўзалликларнинг минг бир сифати атрофга жилва берар эди.

Номуснинг чиройли ҳарир либоси бўлиб, ўша либосгина унинг кимлигини аниқларди.

Бир куни Номусга боғда униб ўсаётган умр гули илм денгизидан ақл ариқлари ила бахт сувини келтиришини буюрди. Номус йўлга тушган, ажойиб саргузаштларга дуч келди. Бир манзилга етганда ғалати ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Бу ерда яшаш ғайритабиий тарзда ҳаёт гулшани мамлакатидеги ҳаётга сира ҳам ўхшамасди. Кучқувват отига миниб олган Бойлик ҳеч кимга кун бермай, барчага зулм ўтказарди. Номус унга ёқди шекилли, юмшоқ муомала билан уйига таклиф қилди. Номус ҳам ўнинг назарига тушганидан мағрур эди. Номусни мулозамат билан завқ-сафо шароби ила сийлаб меҳмон қилди. Номус хурсандлигидан маст бўлиб, нима мақсада йўлга чиқганини

## НОМУСНИНГ ЛИБОСИ

ҳам бутунлай унутиб қўйди.

Бир пайт ҳаёли жойига келиб қараса, кимсиз жойда, либоси эса эгнида йўқ бир аҳволда эди. Демак, либосини қаергадир йўқотган. Шу аҳволда ҳаёт гулшанига қайтишга номуснинг юзи чидамади, борган билан нима фойда. Ахир, уни либосиз ҳеч ким танимади-ку, аксинча қувиб солишади.

Нафс ҳаёлоти уни қай аҳволга солиб қўйганини пайқайди-ю, алами ичига сиғмай йиғлаб юборди. Борган сари хўрлиги кучаяр, бошини ерга уриб зор-зор йиғлар, йиғлайвериш охири кўзларига ёш ҳам келмай қолган эди. Наҳот ҳам уни ўз паноҳига олмас, ҳатто Номуснинг бу қилмишини асло кечирмасди ҳам. Номус либоси билан биргаликда ўзлигини ҳам йўқотгандек, ёруғ оламда ҳеч кимга кераксиз бўлиб қолди.

Ниҳоят, “раҳм” аталмиш пушаймонлик еллари унинг либосини қаерлардандир учуриб, олиб келиб берди. Аммо либос аввалги тароватини йўқотган, ҳамма ёғини қандайдир қора доғлар босиб кетган, кўксига эса надомат деган ёзув абадий муҳрланиб қолган эди.

Шу-шу Номуснинг қилмишлари унинг барча авлодларига ибрат бўлиб, ҳаммалари ўз либосларини кўз қорачигидек асрайдиган бўлишган экан.

**Ортиқхўжа ИСРОИЛ ўғли,  
Республика Нафис санъат мактаби  
ўқувчиси**

## СИЗГА БИР МАСЛАҲАТ

**Яқин қариндошлардан: ака, ука, амаки, тоғаларнинг қизларини хотинликка олиш хатодир, чунки уларнинг хромосомалари бир-бирига ўхшаш ва қонлари яқин. Агарда шундай хатонликка йўл қўйилса, туғилдиган бола руҳан, жисмонан ногирон бўлиб туғилади. Бу аҳвол биринчи, иккинчи ва учинчи авлодларга ҳам ўтиши мумкин. Туғма нуқсонларни даволаб бўлмайди.**

## Кексалик гашти — бағри бутунликда



Тургунбек МАХКАМОВ олган сурат

### ИНСОН ҲАҚИ

Эркинлик замонида яшашимиз. Бир вақтлар улуғ аждодларимиз номини, урф-одатини ҳадик билан тилга олар эдик. Қилган гуноҳимиз учун тавба дейишни билмасдик. Ҳозир эса ўз эътиқодимизга яраша яшашга, ўтганларнинг улуғ ишлари ҳақида фахр туйғуси ила сўзлаш имконига эгамиз. Эл ўзимизники, эрлик ўзимизники, ана шу эрк соясида ҳаётнинг давомчилари бўлган ёш авлод ёруғ йўлдан келажак сари шаҳдам одимламоқда. Ҳар бир соҳада уларнинг ўрни бекиёс ва ўз ўрнида улар жўшқин ҳаётнинг масъул кишиси эканликларини яхши ҳис қилишади.

Инсон улғая борган сари ёшликдаги ва бугунги ҳаётидаги ҳодисаларга ўз фикрини айтишга эҳтиёж сезаверар экан. Негадир ёшлик даври инсонни доимо бегуборликлар билан соғинтираве-ради. Бундан йигирма йил аввалги ёш авлод билан ҳозирги авлоднинг қанчалик тафовутли эканлиги барчага аён. Биз ўспиринлик давримизда дўконда бирор янги ручка кўрсак,

таажжубга тушардик. Ҳозирги ёшларимиз жаҳоншумул янгиликларни ҳам тезда илғаб олишади, айниқса, матбуот орқали. Шу сабабли улар дунёвий ўзгаришлар ҳақида ҳам кўрқмасдан баҳслаша оладилар.

Аммо уларнинг дунёқараши, маънавияти ҳақида гап кетгудек бўлса, ўйланиб қоласан, киши.

### КЕКСАЛАРГА ЖОЙ БЕР, ТАЛАБА!

Маълумки, шаҳарда автобуслар, метро асосий йўловчи ташиш транспорти ҳисобланади. Мингминглаб ёшларимиз ана шу транспорт воситаларида ўз манзиллари томон ошиқадилар. Аниқ биламизки, улар бирон ўқув даргоҳининг талабаси, яъни 4-5 йил ўтгач, жамиятнинг тўлақонли аъзоси — маънавиятли кишисига айланишади. Лекин, афсуски, ана шу ёшларда бугунги кунда маънавият етишмайди. Меҳр-оқибат тунчаларини асло ҳис қил-

майди улар. Ахир, кексаларга, ёш болали аёлларга автобус ўриндигидан жой бериш маънавиятга кирмайдими? Бу борада

Ҳатто ёнма-ён ўтирган 50 ёшлар чамасидаги киши унга бир неча бор разм солса ҳам парвойига келтирмади. Мен эса ўша талабаларнинг ўқиш

## ЭРКИН ФИКР ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИНГ ҚИЁФАСИ БОРМИ?

уларни айблашимизга тўла ҳақлимиз. Чунки шундай манзара ҳар куни, ҳар соғинада шаҳар йўловчи ташиш транспортларида содир бўлмоқда. Биз кўриб кўрмасликка олаямиз.

38-йўналишдаги “Мерседес” автобусига чиққан беш-олти йигитқиз автобусни шовқинга тўлдириб суҳбатлашиб борарди. Гап-сўзларига қараганда, билим юртида ўқишса керак. Энг орқа ўриндиққа жойлашиб олган қиз эса кексаларга жой бериш ўрнига, ручка билан ўзидан олдинги ўриндиқ суянчигига алланималарнидир ёзиб кетаверди.

жойини аниқ билиб олмаганимдан афсусландим.

Бошқа куни 115-йўналиш бўйича қатновчи автобусга чиққан ёш болали аёл уч-тўрт бекатгача туриб қолди, бирор ўспирин туриб жой бермади.

— Инсоф борми, сизларда? Қайси муҳитда яшашимиз? — дейишга мажбур бўлдик. Шундагина аёл бўшган ўриндиққа ўтирди ва алам билан “бор гапни айтадиганлар ҳам бор экан”, — деб қўйди. Энг орқа ўриндиқдаги ўспирин йигит бизнинг фикрларимизга қарши нималардир деди.

Аксар ҳолларда билет

бизнеси билан машғул опаконларимиз — кондукторлар ҳам тўтидек “оплачиваем за проезд”, деган сўздан бошқа нарсани ўйламайдилар.

### АГАР ВИЖДОННИНГ БЎЛСА...

Ноҳуш манзаралардан яна бири жамоат транспортида бир-бирининг пинжига тиқилиб ўпишиб кетаётган йигитқизларга баҳо беролмай қийналасан, киши. Наҳотки муҳаббат деган олий неъмат ўпишишдан иборат бўлса-ю, у шунчалик таҳқирланса?

Тунги таомхоналар, барларнинг “тадбиркорлар”га қанчалик фойда келтириши-ю, ёшлар маънавиятига нечоғли таъсири ҳақида ўйлаш ҳар бир ота-онанинг, жамият кишининг бурчи эмасми?

Қийинчилик деймиз. Ростини, шу сўзни ишлатиш учун виждонинг қийналиб кетади. Ҳозир қийинчилик деб ҳисобланса, 20-30 йиллар, 50-йиллар ва биз улғайган 70-80 йилларда

осон бўлганми? Ахир, битта китобдан беш-олтита синфдош навбати билан фойдаланган, битта кийимни 5-6 йиллаб кийган, мактабга сумкаси борган эдик биз.

Мен айна дамларнинг қадрини ёшларимиз билмаяпти, деб баҳолагим келади. Улар давлатимиз томонидан яратилаётган шароитларга қадрсизлик билан ёндошмоқдалар. Ҳаё, ибод, оқибатни унутаяптилар. Меҳрни пулга чақмоқдалар.

Мен ўз фикрларим билан жами ёшларимизни гуноҳкор ҳисоблаш фикридан йироқман. Улар мамлакат шарафини, тинчлигини ҳимоя қилишмоқда, давлатимиз буюклигини амалда исботламоқда. Лекин айримлари бирникининг мингники туманга мақолини эсларидан фаромуш қилишмоқда.

Бу мавзу учун қўлга қалам олишдан олдин кўп фикр қилдим, мулоҳазага бердим, аммо қалб амрига қарши боришга ожизлик қилдим. Хулоса чиқаришни эса яна ёшларимиз виждонига ҳавола этгим келди.

**Сулаймон ХАЙДАРОВ**



Ko'ngil ijodxonasi

# СЕВМОҚ ЭКАН ЁЛФИЗ ХИММАТИМ

БАҲОР ТИОНИ

(СУРАТГА ЧИЗГИЛАР)

Мисгар ўчоғидек оловланди уфқ,  
Эриниб кўз очди оқ чойшабда тонг.  
Осмоннинг лабига тошмоқда учуқ...

Яна борлиқ ларзага келар,  
Ялтирайди, чақмоқ — ойболта.  
Аразлайди мағлуб қаҳратон,  
Жангдан ҳориб қайтар малика.

Ҳаммомдан чиқади баҳорой ҳорғин,  
Тиниқлашар осмоннинг лаби —  
Оёққа шлади, яшил чоригин...

Зўр зиёфат бошланар шу дам,  
Учиб ўтар жарчи турналар.  
Чугурчуқлар қуради базм, —  
Хоксор қалба ҳайрат ўрмалар.  
Очилади гуногун гуллар,  
Шилдирайди жилғалар маъсум.  
Хониш қилар, ҳофиз булбуллар,  
Лабларда қимтинибу кўяр табассум.

Димоққа урилар жийданинг ҳиди,  
Бақатерак танига битилган ҳислар.  
Этаги ҳилпираб, эғнида кетмон,  
Далага ошиқар қийқириб қизлар.  
О, қишлоқ қизлари, бунча сулувсиз!  
Дилбарсиз, дилрабо, яқинсиз кўзга.  
Оптоқ тонг мисоли орзуларингиз,  
Тарсаки тортишга фарангсиз юзга.  
Ногоҳон насимлар келтирар хабар,  
Фаромуш елларда соврилади дард.  
Хув, олис қишлоқда, бир қиз яшармиш,  
Ҳатто суратимга юқтирмасдан гард.

Шовуллайди, майсалар уйғоқ,  
Сув ичади қониб қалдирғоқ.  
Майин еллар оғушида маст,  
Чайқалади, бир туп қайрағоқ.

Каналақлар рақси мафтункор,  
Гул баргига қўнади ари.  
Лорсиллаб турибди, ҳамон юзимда,  
Қишлоқ қизларнинг тарсақилари.  
Ханқиради юрагим оғир,  
Яшил далам, эй нозик гунча.  
Мен қишлоққа, қайтмай тураман,  
Тарсақилар тамом бўлгунча!

СИНИБ КЕШАР  
ҚОРАҒИҚЛАРИМ

Оптоқ булут кетар олислаб,  
Мен бораман қорайиб қалбим  
Сўраганим не эди сендан,  
Нима эди мenden талабинг?

Товонимни кучиб йиғлайди,  
Хансирайди қадамимдан йўл.  
Чамансиз гул, саҳройил кумдан,  
Чиқармикан навосоз булбул.

Зорим борми, ё билмам зўрим,  
Арзигулик борми насабим?  
Нега келдим бу тош шаҳарга,  
Дош бермаса ҳатто асабим?

Кунлар- қамчи, савалайверар,  
Яралайди йиллар танамни.  
Синиб кетар қорачиқларим,  
Соғинганда мушфиқ онамни.

Қани энди оғир дамларда,  
Меҳрингизга тўйсайдим қониб.  
Шеърларимни оловга ташлаб,  
Сўнгра бирга кетсайдим ёниб.

Майли ёнай, ўтларда ёнай,  
Майли куйиб кул бўлсин танам.  
Меҳри бўлса қутқариб қолар,  
Кўз ёшларга тўлган бу олам!

ШОИР

Бир лаҳза, яшадим бугунимгача,  
Урмимку кўкдаги чақмоқчаллик йўқ.  
Оғир пуф..ф, тўзғитар укунимгача,  
Оқилман, лек ақлим, ахмоқчаллик йўқ.

ҚАЛБ ЖАРОҲАТЛИ  
(Ҳайнедан)

Қани энди гуллар тушунса,  
Билса эди қани шу гуллар.  
Тотиб бирга гусса майдан,  
Йиғлашарди шубҳасиз улар.  
Билса эди балки булбуллар,  
Эта олса дилни гулдан фарқ.  
Куйламасди бу қадар жўшқин,  
Бас қиларди хонишни мутлақ.

Ё етсайди кўкда ораста  
Юлдузларнинг англамоқ гали.  
Ёғиларди улар бир настда,  
Бермоқ учун менга тасалли.  
Афсус, на гул, на юлдуз, булбул,  
Билмас биздек ҳаёт тотини.  
Тушунмайди барибир улар,  
Инсон қалби- жароҳатини!

ТИОНИНИНГ СОЧЛАРИ

Оқаради туннинг сочлари,  
Ташлаб кетар, яна юлдузлар.  
Яна осмон эгалларингдан,  
Нигоҳларим, ненидир излар?

Талпинганим- топганим надир,  
Юрагимни кафтимда тутиб?  
Бола эдим, қайсар, бемани,  
Кезиб юрган кўча чангитиб.

Бир қишлоқнинг, эркаси эдим,  
Бир қишлоқнинг, саркаш боласи.  
Мен сабабли, оқармиш эй- воҳ,  
Онам сочин ҳар бир толаси.

Кўз ўнгимда мовий чексизлик,  
Бир ўкинчла боқаман ҳамон.  
Ўтинчим шу Оллоҳдан она,  
Қайтсам дейман, бағрингга омон.

Билиб- билмай, эздилар қалбим,  
Дард тимдалар жуссаларимни.  
Сиздирмади бағрига қишлоқ,  
Сўзлаб мудҳиш қиссаларимни.

Келмаганман ахир фронтга,  
Кўрмаганман жангоҳларни йўқ.  
Ҳали кўксим учмаган ўққа,  
Фақат руҳим бир сўздан мажруҳ.

Битта сўздан сарнигун қалбим,  
Армон ялар яраларини.  
Ахир нега қулатмоғим шарт,  
Оқ орзуим- қалбаларини.

Энди менга қаср не ҳожат?  
Жуссам сизмас, улкан оламга.  
Сен хассасага таянсанг она,  
Мен суяниб қолдим қаламга.

Сайфулла ТОҒАЙ

# ЯШАМОҚ КЕРАКДИР ЁНИБ, ЁНДИРИБ

ЎН САККИЗ ЁНИДА

Ёқамга ёпишар ўн саккиз ёшим,  
Туғилган кунимга оз қолди, дейман,  
Сен билан олишиб қотди-ку бошим  
Энди ўн тўққизнинг гамини ейман.  
Сўлишиб боради ўн беиш, ўн олти,  
Ўн етти - эркамини узатиб қолдим,  
Бобур юрт бошқарди ўн икки ёшда,  
Мен қачон ўзимни бошқара олдим?  
Эртага ўн тўққиз, индин йигирма  
Бостириб келади ҳеч раҳм қилмай,  
Яшамоқ керакдир ёниб-ёндириб  
Ва умр сўнгида ҳеч аттанг қилмай.

УМИД

Мен олов бўламан, ловуллаб,  
Ёнаман, ёндириб ёмонни  
Ё дарё мисоли шовуллаб,  
Дардларин юваман замонни.  
Умидсиз бўлмайман, сўлмайман,  
Барибир ошаман довонни,  
Ҳақиқат боғиза етаман,  
Ёлгонлар тилса-да товонни.  
Мен ишқни опичлаб учаман,  
Майли ҳуб отсинлар камонни,  
Орзулар юртига қайтаман,  
Урмини тугатиб армонни...

ДҲСЯИ ДҲСЯИМ

Нажот деб қўл чўздим, юзингни бурдинг,  
Қоқинган чоғимда жилмайиб турдинг,  
Мен ерда йиғладим, осмонда кулдинг,  
Мен сени дўст дедим ўшал чоғда ҳам.  
Ишонч кетди минг хил ранга бўяниб,  
Чинорларим қолди менга таяниб,  
Яшайвердим қўланкамга суяниб,  
Мен сени дўст дедим ўшал чоғда ҳам.  
Олов бўлдинг ҳўлу қуруқ бир бўлди,  
Гулим тикон, тиконларинг гул бўлди,  
Сарҳисобда топганларинг кул бўлди,  
Мен сени дўст дедим ўшал чоғда ҳам.  
Қаро эмас, сен оқсан деб изладим,  
Топсам дея чўққиларни кўзладим,  
Сўнги пушмон билан кетдинг, бўзладим,  
Мен сени дўст дедим ўшал чоғда ҳам.

ЎЗНИ СЕВАМАН


Йўқ!  
Севамайман ёлгончи ёрни,  
Энди ҳақгўй сўзни севаман.  
Соғинмайин кўйдим баҳорни,  
Шу хазонли кузни севаман.  
Мадҳ этувчи дoston керакмас,  
Битта тўғри сўзни севаман.  
Кўрса гийбат этувчинимас,  
Кўрмайдиган кўзни севаман.  
Мен севаман камтарин дилни,  
Зар чопонмас, бўзни севаман.  
Англолмасам ўзга кўнгилини,  
Фақат ўзни, ўзни севаман!

СЕВГИМИЗ

Сен биласан бору йўғимни,  
Қолганмиди сен билмас сирим,  
Олов этиб юрак чўғимни—  
Сирли бўлиб кетдинг, севгим.  
Сирзорингда севгим адашди,  
Севгим севинг билан сирлашди.  
Сирли севги туғилган чоғда—  
Бу ёлгон деб бизни алдашди.  
Алдовларга кўндик биз, жоним,  
Очиқ қалбга тугма қадашди.  
Ўйин бўлди кўнгилинг иши—  
Севгимизни йиртиб, ямашди...

ДУШМАНДИЙИНИ ДҲСЯЛАР

Юрагимни тўлдирдилар,  
Ишқимни ҳам сўндирдилар.  
Гийбат қилиб ўлдирдилар,  
Душмандайин дўстлар.  
Ёлгон экан ширин сўзлар,  
Алдади-ку тийрон кўзлар,  
Рақиб бўлдик энди бизлар,  
Душмандайин дўстлар.  
Сохта шонга берилдилар,  
Мен эгилсам керилдилар,  
Номардларга эгилдилар,  
Душмандайин дўстлар.  
Алдамаган онам қолди,  
Менга бир дўст — соям қолди,  
Хуришди қалби бўшаб қолди  
Душмандайин дўстлар.  
Билдим менда кўндир гуноҳ,  
Ҳақдан ўзга йўқдир паноҳ,  
Барчасига гувоҳ-само,  
Душмандайин дўстлар.



ЗИМ-ЗИЁ ТИОН

Зим-зиё тун,  
Зим-зиё тун...  
Тун кўйида йиғлар гунча,  
Гулга тикон бўлди устун,  
Тиконга бош кўяр гунча.  
Зим-зиё тун,  
Зим-зиё тун...  
Ортимиздан қувлар шамол,  
Тун ишқида йиғлайди кун,  
Дардим тинглаб увлар шамол.  
Зим-зиё тун—  
Ярим саҳар,  
Йиғонади қўёш секин,  
Кўкрагимдан бошип олиб,  
Кунда гойиб бўлади тун...  
Ёп-ёруғ кун...  
Энди, дил хун...

\*\*\*  
Ҳилолга!

Сенинг қалбинг тоза  
Меники тоза.  
Севгининг уйига сизмадик,  
Синглим.  
Кўзимиз, юзимиз кулиб турса-да,  
Бир бора юракдан кулмадик, синглим.  
Сенинг дардинг эски, меники эски.  
Дарда ҳеч даволар топмадик, синглим.  
Орзулар тугади, тугади умид  
Армон китобини ёпмадик синглим.  
Синглим, бошқалардай суйгандик куйиб,  
Лекин севилмадик, афсус куйидиб.  
Янги дард топмадик, йўқотмадик ҳам,  
Севги кўчасидан ўтдик югуриб...  
Хуршидбек РЎЗИЕВ

## ЮЛДУЗЛАР СҲИЛАГАНДА (24.06-30.06)

**ҚҲЙ.** Ҳафта давомида зеркишга вақтингиз бўлмайди. Қариндошларингиз билан яхши муомалада бўлсангиз, уларнинг сизга анча ёрдамлари тегиши мумкин. Сизга керакли маълумотлар ўзидан қўлингизга келиб тушади. Осонгина кўринган ишларни бажаришга ваъда берманг, ёлгончи бўлиб қолингиз мумкин.

**БУЗОҚ.** Сизга кўп жойлардан иш таклиф қилишлари мумкин. Яхшигина пул топиш имконингиз бор, ҳаракатларингиз бекор кетмайди. Жума ва шанба кунлари эҳтиёт бўлинг, чўнтакесарларга дуч келиш хавфи бор.

**ЭГИЗАКЛАР.** Бу ҳафта қизиқарли таассуротларга бой бўлади. Режалаштирган ишларингизни амалга оширишга шижоат билан киришасиз. Яна янги ва қизиқарли гоёлар туғилади, янгидан-янги имкониятлар очилади. Лекин "йўқни дўндираман", деб ўзингизни кўп уринтирманг.

**ҚИСКИЧБАҚА.** Агар олдингизда аниқ мақсадингиз бўлса, ҳаракатингизни қилиб қолинг, бу ҳафта ҳамма режаларингиз амалга ошади. Лекин режаларингизни қўрмаганга айтаверманг, тилингизни тийиб қўринг. Ҳафтанинг охириги уч кунда соғлигингиз ва асабингизни эҳтиёт қилинг.

**АРСЛОН.** Бу ҳафта туғилган гоёлар сизнинг келажакингизга зинапоя бўлиб хизмат қилади. Турмуш ўртоғингизга, дўстларингизга кўпроқ эътибор беринг, уларнинг кўнглини оғритманг. Жума ва шанба кунлари фарзандларингиз ташвиш туғдириши мумкин.

**ПАРИЗОД.** Душанбадан пайшанбагача нимага қўл урсангиз ҳаммаси амалга ошади. Қисқа муддатли хизмат сафарларига чиқишингиз мумкин. Пайшанба, жума ва шанба кунлари оила аъзоларингиз билан келишолмай қолсангиз, жаҳлингизга эрк берманг.

**ТАРОЗИ.** Ҳафтанинг дастлабки кунлари саёхатлар ва дам олиш учун жудаям қулай. Сафарда юрганлар кўнгилларига ёққан дўст топадилар. Яна севги дунёсига "бошингиз билан шўнғиманг", сал ақлироқ бўлинг.

**ЧАЁН.** Сизни қизиқтираётган сирларни билиб олишга бу ҳафта имконият туғилади. Зеркишга вақтингиз ҳам бўлмайди. Лекин ҳафта охирида чўнтагингизга эҳтиёт бўлинг, Фойда оламан деб ҳамма ишга қўл ураверманг.

**ЎКОТАР.** Ҳафта давомида одамларни осонгина ўзингизга оғдириб олишингиз мумкин. Ҳис-туйғуларингизни кўпроқ ақлингиз жилволаб туради. Оилангизда тинчлик бўлишини истасангиз, турмуш ўртоғингиз билан жанжаллашмай туринг, сал оғирроқ бўлинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Иш жойингизни ўзгартириш ниятингиз бўлса, бу ҳафта "отингизни қамчиланг". Яхши жойлардан таклифлар тушади, ўзингизга қулайини танлаб оласиз. Жума кунини ўзингизни кўп уринтирманг.

**КОВҒА.** Севги-муҳаббат туйғуси, енгил ҳазиллар ҳафта давомида кайфиятингиз кўтаринки бўлишига сабаб бўлади. Ҳамма муаммоларингизни осонгина ҳал қилиб ташлайсиз. Жудаям жиддий одамларга ҳам маслаҳатимиз — ўзингизни сал бўш қўйинг, акс ҳолда омад сиздан юз ўгиради.

**БАЛИК.** Ҳафта давомида ўзингизни оилангизга бағишланг, афсусланмайсиз. Жудаям муҳим ва керакли маълумотни айнан улардан оласиз. Уйдаги муаммоларингиз, ишларингиз ҳафта давомида дарров ҳал бўлади.

